ПК-16 2014-24.01.

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича**

# ШАРТНОМА

"23" 07 2022 йил № 08

Ўзбекистон Республикаси " LEGION SEKURITI " харбийлаштирилган куриклаш хусусий корхонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси " LEGION SEKURITI " харбийлаштирилган куриклаш хусусий корхонаси директори У.Н.Умаров (кейинги ўринларда "**Ижрочи**" деб юритилади) бир томондан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Куп тармокли клиникаси номидан Низом асосида иш юритувчи Бош шифокори в.в.б. С.Маткаримов (кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритилади) иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидаги шартлар ва асосларга кўра туздилар:

## 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи харбийлаштирилган соқчилик қўриқлаши кўринишида (меёрий хужжатларда махсус хизмат Низомида белгиланган шартлар асосида) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва "**Ижрочи**" эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади: Ўзбекистон Республикаси " LEGION SEKURITI " харбийлаштирилган куриклаш хусусий корхонаси Қўриқлаш хизмати орқали Тошкент шахар , Миробод тумани , С.Азимов кучаси 74-уйда жойлашган Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Куп тармокли клиникаси биносини 1,05 та 24 соатлик (соат 08:00 дан соат 08:00 гача дам олиш кунларисиз) харбийлаштирилган қўриқлаш пости билан (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** (низомда белгиланган техник мустахкамлик меёрлари асосида) қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) кўздан кечириб чиқилади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш. Буюртмачи томонидан амалга оширилади,. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш. Жиҳозланган ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияларини ишчи ҳолда бўлишини таъминлаш.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда кўрсатмасига асосан хизматни ташкиллаштиради (мазкур хизматни ташкил этилиши Низом талабларига зид бўлиши мумкин эмас).

7. Объектда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш шартнома имзолангандан сунг йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади (ижрочига етказилган моддий зарар Қонунда белгиланган тартибда ижрочига қайтарилиши шарт).

## 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади.

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати хисоб варақасига асосан буюртмачи томонидан ижрочининг хизматлари учун тулов амалга оширилади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади. Ижрочи қўшимча қиймат солиғига (НДС) тўлай бошласа белгиланган тарифларга қўшимча хақ хисобланади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланиб, тегишли давлат органидан руйхатдан утгандан кейин 10 кун мобайнида 30% аванс маблаги утказади , колган 70 % туловни хисоб-фактура ва бажарилган ишлар буйича далолатномага асосан тулаб беради.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

## 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш, (мазкур талабномаларни ёзма тарзда ижрочига тақдим этиш);

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20_22_ йил “_23_”_07_даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост курилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

14.1.Ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 5 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

14.2.Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларини дефект холати мураккаблигига қараб белгилаш, камчилик бартараф этилгунига қадар юзага келган муаммоли холатлар (моддий зиён зарарни юзага келганлиги учун ижрочи масъул бўлмайди), Ижрочини бу

ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида кўздан кечириш;

14.3.Белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

14.4.Бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа

шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 7 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида саф бўлинмаси навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Ўзбекистон Республикаси “LEGION SEKURITI” ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## 7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## 8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр қилиб белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси “LEGION SEKURITI” харбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси ва иккинчи нусхаси хужалик юритувчи субъектга берилади;

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Кўп тармоқли клиникаси бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи томонидан давомийлик пост қўриқлаш тартибини бузилган ҳолатлар аниқланганда, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда олдиндан огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34.**Буюртмачи** алоҳида объектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига <u>икки ой</u>** олдин ёзма

равишда маълум қилади. (эслатма: Банк муассасаси бекор қилиш бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади).

35.Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Шартнома икки тамонлама имзолангандан сўнг кучга киради.

## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

**"Ижрочи"**

Ўзбекистон Республикаси "LEGION SEKURITI" харбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси
Х/р:20208000405156510001
МФО:01174 ИНН:306975870 ОКЭД:794953
Тел: 90-346-76-37

**"Буюртмачи"**

Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ХККМ МБ Тошкент ш.Б.Б.
ТХКМРМКТК№ 1Л/с: 401410860262737073101054001
ИНН: 201 799 978 ОКЭД: 86100
Тел.: (71) 233-40-66; Факс: (71) 233-67-17

Ўзбекистон Республикаси "LEGION SEKURITI" Харбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси директори

У.Н.Умаров

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Кўп тармокли клиникаси Бош шифокори в.в.б

С.Маткаримов

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси "LEGION SEKURITI" Харбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси директори

У.Н.Умаров

«РОЗИМАН»

ТХКМРИКТК

С.Р.Маткаримов.

Ўзбекистон Республикаси "LEGION SEKURITI" Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хусусий корхонаси ходимларини моддий таъминлаш тўғрисида **2022 йил "23" июль** бошлаб тузилган 1 та 24 соатлик дам олиш кунларисиз соат 08-00 дан 08-00 гача без НДС

## ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ

| Қўриқлаш ойлари | Пост сони | Қўриқлаш вақти | Бир ойлик қўриқлаш вақти | Қўриқлаш пост/соат нархи | жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Июлъ | 1 | 24 | 744 | 36635 | 27 256 440 |
| **Жами** | | | | | **27 256 440** |

**ЖАМИ:** **27 256 440**

**Йигирма етти миллион икки юз эллик олти минг тўрт юз қирк минг сўм, 00 тийин**.

Ўзбекистон Республикаси
"LEGION SEKURITI" Харбийлаштирилган
қўриқлаш хусусий корхонаси
директорнинг хизмат бўйича бошлиғи

А.О.Қаҳҳаров

2680929

# Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"LEGION SEKURITI XARBIYLASHTIRILGAN QO'RIQLASH" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"LEGION SEKURITI XARBIYLASHTIRILGAN QO'RIQLASH" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.12.2019 | 794953 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306975870

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Eshonguzar, N.XOJIBOYEV KO'CHASI,5 UY,16-XONADON.,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122572 на приобретение Услуги охраны

Способ проведения электронный

Дата 21.07.2022

Время рассмотрения 21.07.2022 09:45

Конкурсная комиссия Республиканская клиническая больница №1, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MATKARIMOV SANJARBEK RAXIMBOYEVICH | Заместитель гл. врача | ТХКМРМКТК |
| **Секретарь комиссии** | ERNAZAROV ABDULLA NARZULLAYEVICH | Гл.бух | ТХКМРМКТК |
| **Член комиссии** | DANILINA GALINA VLADIMIROVNA | Зам. гл вр | ТХКМРМКТК |
| **Член комиссии** | XUDOYBERDIYEV TOLIB BAXTIYOROVICH | хужалик мудири | ТХКМРМКТК |
| **Член комиссии** | KURBANOVA GULNORA SIRAJIDDINOVNA | Зам. гл врач | ТХКМРМКТК |
| **Член комиссии** | XOLODOVA YEVGENIYA GRIGOREVNA | Зам глав врач | ТХКМРМКТК |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.07.2022 года № лота 122572.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга оказание охранных услуг на договорной основе юридическим лицам** |
|---|---|
| Подробное описание | Охрана объектов |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 256 440.00 |
| Стартовая сумма | 27 256 440.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги (курсаткич 0,3 коэффициентдан кам бўлмаган); туловга кодирлиги (курсаткич 1,5 коэффициентдан кам булмаган);

Тип: Текстовое значение

Описание: уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги (курсаткич 0,3 коэффициентдан кам бўлмаган); туловга кодирлиги (курсаткич 1,5 коэффициентдан кам булмаган);

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER- BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қуриқлаш хизматларини курсатишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шахарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган Куриклаш хизматларини курсатишнинг сифатини таъминланиши бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар: устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қуриқлаш хизматларини курсатишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шахарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган Куриклаш хизматларини курсатишнинг сифатини таъминланиши бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар: устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER- BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, шу жумладан уз кучи билан олдин бажарилган ишлар хажми хақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, шу жумладан уз кучи билан олдин бажарилган ишлар хажми хақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER- BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 14 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов предмети қийматининг 50%» микдордаги айланма маблағлари ёки кўрсатилган маблагларни тақдим этиш хакидаги банк кафолати мавжудлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов предмети қийматининг 50%» микдордаги айланма маблағлари ёки кўрсатилган маблагларни тақдим этиш хакидаги банк кафолати мавжудлиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER- BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 доимий ходимлари, жумладан мўхандис-техник ходимларига эга булиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чихариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга

булиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: доимий ходимлари, жумладан мўхандис-техник ходимларига эга булиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чихариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга булиши;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER-BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №6 фукаролик-муомала лаёхати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: фукаролик-муомала лаёхати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| UNIVERS-BROKER-BUSINESS MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 27 256 440.00 | 27 256 440.00 UZS | 27 256 440.00 | 00.00 | 27 256 440.00 | 14.07.2022 14:58:05 | 30.00 |
| UNIVERS-BROKER-BUSINESS MCHJ | 27 256 440.00 | 27 256 440.00 UZS | 27 256 440.00 | 00.00 | 27 256 440.00 | 14.07.2022 15:16:14 | 30.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ЧП LEGION SEKURITI | 68.8331 | 30 | 98.8331 |
| UNIVERS-BROKER-BUSINESS MCHJ | 51.9169 | 30 | 81.9169 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122572 от 21.07.2022 года на приобретение Услуги охраны определила победителем:

ЧП LEGION SEKURITI

306975870

и резервный исполнитель: UNIVERS-BROKER-BUSINESS MCHJ (309437611)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Член комиссии | XUDOYBERDIYEV TOLIB BAXTIYOROVICH | Согласен | |
| Председатель комиссии | MATKARIMOV SANJARBEK RAXIMBOYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | KURBANOVA GULNORA SIRAJIDDINOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | DANILINA GALINA VLADIMIROVNA | Согласен | |
| Член комиссии | XOLODOVA YEVGENIYA GRIGOREVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси**

___________

2022 йил “ 23 ” 07

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси танлов комиссияси йиғилишининг**

**9 - сон**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

2022 йил “ 23 ” 07 Тошкент ш.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

| | |
|---|---|
| С.Р.Маткаримов | в.в.б.Бош шифокор -танлов комиссия раиси |
| Г.В.Данилина | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| Е.Г.Холодова | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| Г.С.Курбанова | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| А.Н.Эрназаров | Бош хисобчи - комиссия котиби |
| Т.Б.Худойбердиев | Хўжалик мудири- танлов комиссия аъзоси |

**КУН ТАРТИБИ:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникасида куриклаш хизматини ташкил килиш учун муҳокамага жойлаштириш**

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан камиссия аъзоси – Бош шифокор муовини Г.В.Данилина сўзга чиқиб, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникасида куриклаш хизматини ташкил килиш учун шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси xarid.uzex.uz сайтида 27 256 440,00 сумга 22110012122572 - сонли лот рақами берилганлиги маьлум қилди. Тақдим этилган иккита корхона таклифлари билан комиссия аьзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Клиниканинг бош шифокор муовини - танлов комиссияси аъзоси Г.С.Курбанова ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъй риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аьзоларида мазкур 22110012122572 - сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 22110012122572-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

**Таклиф этилаётган нархлар, баллар қуйидагича белгиланган:**

| № | Иштирокчи номи | Таклиф этилаётган нарх | Балл |
|---|---|---|---|
| 1 | ЧП “ LEGION SEKURITI ” | 27 256 440.00 | 98.8331 |
| 2 | UNIVERS-BROKER BUSINESS MCHJ | 27 256 440.00 | 81.9169 |

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра ЧП “ LEGION SEKURITI ” корхонаси таклиф қилган нархлар энг паст ва туплаган баллари энг юкори деб топилди .

**Комиссия қарор қилади:**

7. Тиббиёт хордимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг куп тармокли клиникасида куриклаш хизмати учун килинган ишларнинг сифат даражаси юкори курсатгичда булганлиги учун ЧП “ LEGION SEKURITI ” корхонаси таклифи бир овоздан маъқуллансин.

2. ЧП “ LEGION SEKURITI ” танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси бош шифокор муовини Г.В.Данилина зиммасига юклатилсин.

**Танлов комиссияси аъзолари:**

| | |
|---|---|
| С.Р.Маткаримов | в.в.б.Бош шифокор -танлов комиссия раиси |
| Г.В.Данилина | Бош шифокор муовини- танлов комиссия аъзоси |
| Е.Г.Холодова | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| Г.С.Курбанова | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| А.Н.Эрназаров | Бош хисобчи - комиссия котиби |
| Т.Б.Худойбердиев | Хўжалик мудири- танлов комиссия аъзоси |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: XJ63012114

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MOLIYA VAZIRLIGI

MINISTRY OF FINANCE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi, 29-uy
Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52, Faks: (998 71) 244-56-43

29, Istiqlol street, Tashkent, 100017
Tel.: (988 71) 239-15-69, 239-12-52, Fax: (998 71) 244-56-43

05/28-01-01-32/1372
12.05.2022 й.

**" Legion sekuriti"
ҳарбийлаштирилган
қўриқлаш хусусий корхонаси**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Сизнинг 2022 йил 5 майдаги 54-сонли Ўзбекистон давлат кансерваторияси, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган Вохидов номли Жаррохлик Маркази биноларинининни чақирув хатларига асосан қўриқлашга олиш хамда қўриқланаётган 20 та ишчини ишсиз қолишини олдини олиш масаласи бўйича мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сонли "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси саф бўлинмалари томонидан қўриқланадиган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг объектлари кўрсатилган бўлиб, ушбу объектлар **суд-тиббиёт экспертиза муассасалари, психиатрия муассасалари, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки токсикоманияга мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга мўлжалланган махсус даволаш-профилактика** муассасаларининг бинолари ва иншоотлари кўрсатилган.

Шунга кўра, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган Вохидов номли Жаррохлик Маркази ҳарбийлаштирилган соқчи орқали қўриққа олинадиган объектларга кирмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат кансерваторияси ҳам юқоридаги қарор билан тасдиқланган қўриққа олинадиган объектлар рўйхатида кўрсатилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хатда келтирилган ташкилотларда ҳарбийлаштирилган соқчи орқали қўриққа олиниши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

**Вазир ўринбосари** **Ж. Абруев**

Ижрочи: М.Каримов
Тел.: 71 239-11-76, MKarimov@mf.uz